



2020 у. «2» сентябрь

№ Қ-430

« » 20 г.

**Музработ тумани Р.Бўриев массиви
худудидан “SURXON AGRO MAJMUASI”
МЧЖга “Озуқа экинлари экиш” учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/239-сон йиғилиш баёни ва Музработ туман ҳокимининг 2020 йил 01 июндаги 01-05/112-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/239-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани Р.Бўриев массиви худудидан “SURXON AGRO MAJMUASI” МЧЖга “Озуқа экинлари экиш” учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлок хўжалиги харитасининг 485, 486, 488, 490, 491, 492, 493, 471, 473, 473а, 474, 475, 476, 477, 478, 479, 482, 460, 461, 462, 463, 466, 467, 468, 451, 452, 453, 454, 455, 457, 458, 442, 443 ва 444-дала контурларидаги ўртача тупроқ унумдорлиги 49,0 балл бонитетли жами 512,7 гектар, шундан 490,5 гектар суғориладиган экин ер, 10,7 гектар сув ости ерлар, 5,7 гектар йўллар, 0,9 гектар бошқа ерлар билан банд бўлган ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов